



Пайғамбар соллаллоҳу аалйҳи ва саллам ҳар кеча ётишларидан илгари кафтларини бирлаштирар, уларга "Қул ҳуваллоҳу аҳад", "Қул аъзузу бироббил фалақ" ва "Қул аъзузу бироббин-наас" сўраларини ўқиб пуфлар

Оиша разияллоҳу анаҳодан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу аалйҳи ва саллам ҳар кеча ётишларидан илгари кафтларини бирлаштирар, уларга "Қул ҳуваллоҳу аҳад", "Қул аъзузу бироббил фалақ" ва "Қул аъзузу бироббин-наас" сўраларини ўқиб пуфлар, сўнгра, икки қўлларини қодир бўлганларича баданларига сура эдилар. Силашни бошлари, юзлари ва (таналарининг) олд томонидан бошлаб, уч марта такрорлар эдилар.

[Тўғри матн] [Бухорий ривояти]

Уйқуга ётишдан илгари кафтларини бирлаштириб дуо қилаётган одамдек кўтариш, озгина сўлаклар билан пуфлаш, уч мартадан "Қул ҳуваллоҳу аҳад", "Қул аъзузу бироббил фалақ" ва "Қул аъзузу бироббин-наас" сураларини ўқиш, сўнгра, қўли етганича кафтларини баданларига суриш: боши, юзи ва танасининг олд томонидан бошлаш ва бу ҳаракатни уч марта такрорлаш, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одатларидан эди.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65060>

